*Фикрлаш – ўзинг билан ўзинг баҳслашиш демакдир!*

# INTELLEKT

*ижтимоий-таълимий, маданий-маърифий газета*

*2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили*

**2020-yil 2-sentabrdan chiqa boshlagan ● 2021-yil, 16-avgust № 15(23) ● www.samdchti.uz ● E-mail:intellektinfo@inbox.uz**

# ЖОРИЙ ЙИЛГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА КИМЛАР НОМЗОД СИФАТИДА ИШТИРОК ЭТИШИНИ БИЛАСИЗМИ?



Нарзулла Обломуродов
Ўзбекистон Экологик партияси томонидан



Баҳром Абдуҳалимов
"Адолат" социал-демократик партияси томонидан



Шавкат Мирзиёев
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан



Мақсуда Ворисова
"Халқ" демократик партияси томонидан



Алишер Кодиров
"Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан

**Президентимиз раислигида 2020 йил 12 февралда маҳалла тизимини такомиллаштириш тўғрисида ўтказилган йиғилишда ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш,жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, халқни рози қилиш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилган эди.**

## ОДАМЛАР БУ ЕРДАН НАЖОТ ТОПИШИ КЕРАК

Жумладан, Маҳалла фуқаролар йиғинлари эндиликда "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилини амалиётга жорий этиб, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва осойишталикни таъминлаши, шунингдек, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, томорқалардан унумли фойдаланиш, ер участкаларини ноқонуний эгаллашнинг олдини олиш, ҳудудни ободонлаштириш каби масалалар билан шуғулланиб, маҳалла раиси мақоми янада оширилши ҳақида тўхталган эди. Дарҳақиқат, маҳалла раиси ва фаолларининг вазифалари аниқ белгиланиши, уларни маҳалла тизимида халқ фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилиб, тинчлик ва осойишталикни таъминлашда бош омил бўлмоқда.

Боғимайдон маҳалласи 2012 йилда Самарқанд туманидан Самарқанд шаҳрига ўтказилган. Айни пайтда маҳалла Обираҳмат, Чилустун, Боғибаланд, Жўйичуқур ва Геофизика маҳаллалари билан чегарадош.

Маҳалла марказида фуқароларни қабул қилиш, улар билан ишлаш, тадбирлар ўтказиш учун шароитлар яратилган. Айни вақтда маҳалла биносида қурилиш ишлари кетмоқда. Маҳалла раисининг айтишича, бу ерда маҳалла аҳлининг кичик оилавий тадбирларини ўтказиш имконияти пайдо бўлади.

Маҳалла ҳудудида 60-ўрта мактаб, 16-сон мактабгача таълим ташкилоти, Самарқанд тиббиёт институтига қарашли 1-сон академик лицей, шаҳар 3-сон оилавий поликиника филиали, савдо дўконлари, гўзаллик салони, сартарошхона мавжуд. Маҳалла аҳли асосан тадбиркорлик билан шуғулланади. Нуронийлар айтишича, сўнгги йилларда кенг кўламдаги қурилиш ва бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Йўллар асфальт қилиниб, ҳашар йўли билан нуронийлар чойхонаси таъмирланди.

Ана шундай хайрли ишлар самарасини 60-умумтаълим мактаби мисолида кўриш мумкин. Маҳалла фаолларининг ташаббуси, тадбиркорлар кўмаги билан ҳудудда очиқ айвон қурилди. Битта фаоллар зали ва синфхоналар учун эса қурилиш жараёнлари кетмоқда.

Мазкур ўзини -ўзи бошқариш органи ҳудудида 2000 нафар аҳоли, 273 хонадон, 539 та оила мавжуд. "Аёллар дафтари"га биринчи босқичда 9 та мезон асосида 19 нафар аёллар киритилган эди. Иккинчи босқичда эса 6 нафар хотин-қизлар киритилди. Яқинда маҳалла марказида аёллар гўзаллик салони фаолият бошлади ва бу ерда 5 нафар аёлларнинг бандлиги таъминланди.

Мазкур маҳаллада ўз касб-ҳунари ортидан қадр топаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Улар ота касбларини давом эттириб, турли танловларда ҳам иштирок этиб келишмоқда. Ботир Ҳамидов маҳаллада 40 йилдан буён тўй-маъракаларда ош дамлаб келади. Бугун у кишининг ишини ўғиллари давом эттираяпти. Абдусаттор Тўқлиевга эса нонвойлик ота касб. Самарқанд нонларини 30 йилдан буён пишириб келади. Бир ёпишда 110 та нон сиғадиган тандирга ҳали қуёш чиқмасданоқ ўт ёқилади.

Маҳалла раиси - Тошпўлат ака Раҳматуллаев инсонлар дарди, уларнинг ўй-ташвиши, муаммоларини бартараф этиш йўлида тинимсиз ҳаракатда. Бу борада маҳалла оқсоқоллари тажрибаси, насиҳат ва ўгитларига таянади, ҳар бир ишни кенгашиб амалга оширади. Бизнинг эшикларимиз доимо очиқ бўлиши керак, одамлар бу ердан нажот топиб чиқиб кетиши керак, – дейди маҳалла раиси.

Ҳа, бугун амалга оширилаётган эзгу ишлар замирида бир ҳақиқат мужассам. У ҳам бўлса, одамлар розилигига эришиш. Бу йўлда эса маҳалла масъулларининг хизматлари эътирофли.

**Ўз мухбиримиз.**

**Бугунги кунда ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишидаги муаммолар деярли барча мамлакатларнинг умумий муаммосига айланган. Ҳаммамизга маълумки, мамлакатимизда ёшларга ва уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўплаб шарт-шароитлар яратилган.**

Албатта, жаҳон ёшлари фаолияти ва ижоди тўғрисида кўплаб ижобий мисолларни келтиришимиз мумкин: фан ва техника, ижод, санъат ва спортнинг барча турлари бўйича ёшлар томонидан қўлга киритан олишимиз, эътироф этишимиз керак. Ўзи ва ўзгаларнинг тақдирига, келажагига бефарқлик, шафқатсизлик, ишёқмаслик, ҳалол меҳнатдан бўйин товлалаш, ахлоқсизлик, енгил-елпи ва бошқалар ҳисобига кун кечириш, гиёҳвандлик, ўғрилик, жиноятчи гуруҳлар, экстремистлар ва террористлар фаолиятида иштирок этиш ҳам жамиятнинг айнан навқирон ёшдаги аъзоларини ўз домига тортаётгани сир эмас. Илм ўрганиш, маълумот олиш учун шароит яратиб бераётган ахборат технологиялари, жумладан: Интернет ҳам маълумотлар манбаига айланиб бораётганини таъкидлаш зарур. Ёшларимизнинг айни ўқиб-ўрганадиган палласида ҳар хил интернет мессенжерлари, ўйинлари уларнинг онги ва психикасига салбий таъсир этмоқда. Булар натижасида ёшларимизда бепарволик, лоқайдлик, асабийлик ва доимий стресс каби салбий оқибатларга олиб келади.

Ҳозирда ёшларимизни интернетдан самарали ва оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантиришимиз зарур. Мамлакатимизда ёшлар жамиятда ўз ўрнини топишда уларни жисмонан бақувват ва ақлан баркамол қилиб тарбиялаш турли хавф-хатарлардан асрашда жамоатчилик назоратига эътибор қаратилиб келинмоқда. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови" деб номланган маърузасида ёшлар тарбияси масаласига тўхталиб, қуйидаги фикрларни илгари сурди:

## ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ



тилаётган натижалар, албатта, инсонни қувонтиради. Ушбу ижобий ҳолатлар ва воқеликлар бизнинг давлатимиз ёшлари орасида содир бўлаётганлигини мамнуният билан қайт этишга тўла ҳақлимиз.

Айни пайтда яна ва яна глобал кўламларда айнан ёшлар тарбиясида ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини

**(Давоми 2-бетда)**

## КИТОБ - ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯЧИ

**"Китобни севинг. У сизни инсонни севишга ўргатади" (М.Горкий).**

Китоб қадим-қадимдан инсонларнинг энг яқин дўсти, сирдоши бўлиб келган. Айниқса, халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлмиш алла, эртак, топишмоқ, мақол ва достонларнинг тарбиявий аҳамияти катта бўлган. Қайси ижодкорнинг болалиги ҳақидаги маълумотга эътибор қаратманг, адабиётга ҳавас онаси айтган алла ва эртаклар ҳамда оилавий китоб жавонидаги Навоий, Фузулий каби буюк сиймоларнинг асарлари турткити бўлганлиги тилга олинади.

Ўзбек халқининг нақадар буюк, маънави-



ятли халқ бўлганлигини халқ оғзаки ва мумтоз адабиётининг ижод намуналарида яққол кўриш мумкин. "Алпомиш", "Гўрўғли" туркумига кирувчи достонлар яратилганки, бундай нодир дурдоналаримиз баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

Бировга дардини достон қилишни ор деб билган халқимиз инсон қадр-қиммати, шаъни, ор-номусини ҳар нарсадан устун қўйишган. Уларнинг кенг уйи бўлмаса ҳам, кенг қалблари бўлган. Бундай одамийликни эса ўша достонлардан ўрганган бўлишса, ажаб эмас.

Китоб шунчалик қудратли кучки, у билан дўст бўлган инсон ўз дардини унутиб, ўзгалар дардига ошно бўлади. Қоронғу тундан кейин, албатта, ёруғ кун келишига ишонади. Адолатни ўзига қурол қилиб олади. Чунки адолат бор жойда ривожланиш, тараққиёт бўлади. Кошифий айтганидек:

**Адл нуридурки, мулк андин**
**мунаввар бўлғуси,**
**Жумлайи олам насимидин**
**муаттар бўлғуси,**
**Адлни беш айла мискинларни**
**ҳожатдин чиқор,**
**То санинг ҳам жумла мақсудинг**
**муяссар бўлғуси.**

Баъзан сўзнинг қудратини унутиб қўймадикмикан, деган ҳаёлларга бораман. Ҳар бир сўзимизнинг жавоби борлигини англамай қўйдик. Сўз устаси А.Қаҳҳор "Адабиёт атомдан кучли. Унинг кучини ўтин ёришга сарфламаслик керак" деганда нақадар ҳақлигини тушундим. Сўздан кучли қурол йўқ. Биз бу қуролнинг кучини, албатта, адабиётдан, китобдан оламиз. Ўз ўрнида қўлланган сўз бежиз кетмайди. Тушган жойини қиличдек кесади. Сўз мулкининг султони А.Навоийдек ҳар бир инсон ўз сўзининг султонига айланиши зарур. Шундагина ҳақиқий тарбиячи бўла оламиз.

Азизлар, дўппини бир жойга қўйиб, ўйлаб кўрайлик, бугунги ахборотлар оқими ва технологиялар атрофимизни қуршаб олган бир даврда фарзандларимизга қандай тарбия бермоқдамиз? Вақт борида уларнинг қўлига тарбиянинг асоси бўлмиш китобни тутқазмоғимиз лозим эмасмикан..?

**Шоҳсанам АБЗАИРОВА.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 мартдаги "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғриси"даги 122-сон Қарорига асосан болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинланади. Мазкур жараён қуйидагича амалга оширилади:**

## БОЛА ПАРВАРИШИ БЎЙИЧА НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ҚАНДАЙ ТАЙИНЛАНАДИ?

**1.** Бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа 12 ой муддатга 434 минг сўм ва ун, қолипли нон харид қилиш бўйича 50 минг сўм миқдорида компенсация пули тайинланади;

**2.** 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга қуйидаги миқдорда нафақалар:

— бир нафар фарзанди бор олаларга 6 ой муддатга 144,1 минг сўм ва ун, қолипли нон харид қилиш бўйича 50 минг сўм миқдорида компенсация пули;

— икки нафар фарзанди бор оилаларга 6 ой муддатга 238,7 минг сўм ва ун, қолипли нон харид қилиш бўйича 50 минг сўм миқдорида компенсация пули;

— уч ва ундан ортик фарзанди бор оилаларга 6 ой муддатга 334,4 минг сўм ва ун, қолипли нон харид қилиш бўйича 50 минг сўм миқдорида компенсация пули тайинланади;

**3.** Моддий ёрдам 6 ой муддатга 326 минг сўм ва ун, қолипли нон харид қилиш бўйича 50 минг сўм миқдорида компенсация пули тайинланади;

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинланиши учун тақдим этилган аризалар қуйидаги ҳолларда рад этилади:

— оиланинг ҳар бир аъзосига белгиланган меъёр (аниқланадиган даврда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг



0,527 баравари яъни бугунги кунда 393,8 минг сўм)дан юқори даромади мавжуд бўлганда;

— 2 ва ундан ортиқ кўчмас мулки ёки бир ва ундан ортиқ нотурар жой бинолари мавжуд бўлганда;

— оила аъзоларининг ўз номига расмийлаштилган ёки бош ишончнома асосида фойдаланаётган ишлаб чиқарилган муддати 7 йилдан ошмаган техник холати соз бўлган автотранспорт воситаси бўлганда;

— 2 ёки ундан ортиқ техник холати соз бўлган автотранспорт воситаси мавжуд бўлганда;

— ариза берувчи ва оила аъзоларининг тижорат банкларидаги депозит ҳисоб рақамларида ариза берган ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқроқ миқдорда маблағлар мавжуд бўлганда;

— ариза берувчи ва оила аъзоларининг меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқроқ миқдорларда қимматли қоғозлар мавжуд бўлганда;

— Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Президент давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа саноати қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлари хизматчилари ва ходимлари ёки уларнинг оила аъзолари томонидан аризалар тақдим этилганда;

— Оилада меҳнат органлари томонидан тайинланган ишсизлик нафақасини олаётган аъзолари мавжуд бўлганда;

— оилада охирги 12 ой давомида иш қидираётган аъзоси меҳнат органларининг ишга доир таклифини икки ёки ундан ортиқ маротаба рад этганда;

— даромаднинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва охирги 6 ой мабайнида иш излаб меҳнат органларига хисобда турмаган, ўзини-ўзи банд килувчи шахслар рўйхатига киритилмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжуд бўлганда.

**Акмалжон ҲАЙИТОВ,**
**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Каттақўрғон туман бўлими ходими.**

# ИШОНЧНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

**Ишончнома берувчи томонидан ишончнома бекор қилинган тақдирда ишончнома берган шахснинг бу ҳақдаги аризасидаги имзосининг ҳақиқийлиги нотариал тартибда шаҳодатлантирилади.**

Бу ҳақда нотариал идорада сақланаётган ишончнома нусхасига (бошқа нотариал идора томонидан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно) белги қўйилади ва Тизимга маълумот киритилади. Аризанинг иккинчи нусхаси ишончли вакилни хабардор қилиш учун ишонч билдирувчига берилади.



Ишончномадаги қўшимча ва тузатишлар ишончномани имзолаган шахсларнинг имзосидан олдин изоҳланиши ва тасдиқловчи ёзувнинг охирида нотариуснинг имзосидан олдин такроран изоҳланиши, нотариуснинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши керак. Тасдиқловчи ёзувдаги тузатишлар нотариуснинг имзосидан олдин изоҳланиши ва имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланиши керак. Бунда, тузатишлар шундай қилиниши керакки, ўчирилган барча сўзларни ва рақамларни бошланғич матнда ўқиш имкони бўлиши лозим.

Тасдиқловчи ёзувнинг матни техник воситаларда (компьютерда) ўчирилмасдан аниқ ёзилиши шарт. Очиқ жойларга чизиқ тортиб қўйилиши, ёзувлар ва бошқа тузатишлар ушбу Регламентнинг 41-банди асосида изоҳланиши керак.

Тасдиқловчи ёзувларини амалга ошириш учун тегишли ёзув матни бўлган штамплар ишлатилиши мумкин.

Тасдиқловчи ёзув тегишли ҳужжатга сиғмаган тақдирда, у ҳужжатга бириктириб қўйилган алоҳида қоғоз варағида давом эттирилиши ёки тўла баён этилиши мумкин. Бунда ҳужжат матни баён этилган варақлар ва тасдиқловчи ёзув варақлари махсус тешик очгич (люверс) ёрдамида тешган ҳолда ип ўтказиб тикилади, рақамланади, ҳужжатнинг охирги варағи ёрлиқ билан елимланган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланиб, муҳр босилади.

Нотариус ишончномани ҳақиқий эмас деб топганлиги тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажримини олган тақдирда, бу ҳақда ишончноманинг нотариал идора йиғмажилдларида сақланадиган асл нусхасига тегишли ёзув киритади, ўз имзоси ва муҳрини қўяди ва Тизимга маълумот киритади.

Ишончнома бекор қилинган вақтда тўланган давлат божи, герб йиғими ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун тўловлар қайтарилмайди.

Нотариус йўл қўйган хатоси натижасида ўзи расмийлаштирган битимнинг нотўғрилигини билиб қолган тақдирда, у ана шу битимни белгиланган тартибда бекор қилиш чораларини кўриш учун бу ҳақда прокурорга дарҳол хабар қилишга мажбур. Нотариус прокурорни хабардор қилганлиги тўғрисида шу куннинг ўзида тегишли ҳудудий адлия органларига хабар беради.

**Фарангиз АҲМЕДОВА,**
**Самарқанд шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус.**

« (Давоми. Бошланиши 1-бетда)

"Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшлар билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз лозим. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур".

## ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

Бундан кўринадики, ёшларнинг ижтимоий фаоллик позициясини оширишда уларнинг таълим-тарбиясига аҳамият қаратмоқ лозим. Бунда баъзи қарашларни кўрамиз:

Хатарларни (рискларни) ўз зиммасига олиш ва муваффақиятсизликлардан ўрганиш: муваффақиятсизликлардан қочиб қутулиш ва ҳар доим ҳаётда муваффақиятли бўлиш мумкин эмас. Шу сабабли ёш авлод учун ҳар бир муваффақиятсизликдан сабоқ олиш ва ҳаётда давом этиш жуда муҳимдир. Улар таваккал қилишдан қўрқмасликлари керак ва муаммоларга дуч келган ҳолатда тегишли сабоқларни олишни ўрганишлари лозим. Хато қилмайдиганлар ҳаётда ўсмайдилар. Расмий таълим тизими шундай йўлга қўйилиши керакки, бу ўқувчиларни таваккал қилишга ундайдиган ва уларни хато ва камчиликлари учун жазоламайдиган бўлиши лозим. Инсоннинг ақл-идроки ўсиши ва ҳаётдаги юксалиши орттирган тажрибалари орқали бўлади.



Онгни тўғри дастурлаш: муваффақият учун ёшларнинг онгини ривожлантириш ва дастурлаш жуда муҳимдир. Ҳаётий мисоллар шуни кўрсатадики, хавфдан қочиш учун дастурлаштирилган одамлар "мен буни қила олмайман" ёки "мен бунга қодир эмасман", дейишади. Аммо "Мен буни қандай қила оламан?" ёки "Нима қилсам бунинг уддасидан чиқаман?" деган саволлар билан ёшлар онгини тўғри йўлга солишлари мумкин. Чунки баёнот онгни ёпади, савол эса онгни ўйлашга ва ҳаракат қилишга очиб беради.

Гуруҳларда ишлашни ўрганиш: бизнинг ҳозирги таълим тизимимиз ёшларга фақатгина ўзига таяниб ишлашни ўргатади. Ҳатто баҳолаш тестлари ҳам ўқувчи ва талабаларнинг ўз билимларини баҳолашга қаратилган ва бундай тизим ўзига қарамликни келтириб чиқаради. Аммо реал ҳаётда барчамиз бир-биримизга тобемиз ва бир киши ўз кучи билан кўп нарсага эриша олмайди. Шунинг учун таълим тизими ёшларда бошқалар билан ишлаш ва мулоқот қобилиятини ривожлантириш учун индивидуал эмас, балки гуруҳда ишлаш тизимларини жорий қилиши лозим. Бу жамоавий руҳни ошириш ва ҳаётда муҳим бўлган бир-бирига боғлиқлик ҳиссини ривожлантиришга ёрдам беради.

**Жамолиддин САЙДУЛЛАЕВ,**
**Самарқанд давлат чет тиллар институти психологи.**

**Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар аввалги йилларга нисбатан камайган бўлишига қарамай айрим ҳуқуқбузарликларнинг кўпайиб бориши кенг жамоатчилик вакилларини сергакликка чақирмоқда. Тарбиядаги энг кичик эътиборсизликдан бугун айрим ёшлар жиноят тўрига илиниб қолмоқда.**

# ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

Бировнинг мулкига эгалик қилиш майлидан жиноят тубсизлигига кириб жазо муддатини ўтаётган ёшларнинг адашишига оилавий носоғлом муҳит, тарбиядаги лоқайдлик сабаб бўлган.

Ҳозирда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтиришда сонга эмас, балки сифатга таянилмоқда. Ёшлар ўртасида ҳудудларда, олий ўқув муассасаларида ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий саводхонлигини, сайловлардаги ролини ошириш мақсадида "Барчаси ўз қўлингда" шиори остидаги тарғибот тадбирлари ўтказилиб келинмоқда. Тарбияси оғир ҳамда жиноят содир этган ёшлар намунали фуқароларга бириктирилмоқда.



Шунингдек, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уюшмаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш борасидаги ишларнинг самарасини ошириш, шунингдек, ота-онаси узоқ муддатга чет элларга чиқиб кетган вояга етмаганларга васий ва ҳомийларни бириктириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Маълумки, Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт босқичида суд-ҳуқуқ, жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. 150 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилинди. "Хавфсиз шаҳар", "хавфсиз хонадон", "хавфсиз туризм" каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг инновацион ғояларини ўз ичига олган концепциялар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Энг асосийси, бу соҳа ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки уларнинг олдини олиш зарурлиги ҳақидаги ҳаётий тамойил асосида ислоҳ қилинаётир.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик кучайтирилди, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг жиноятчиликка қарши кураш борасида масъулияти оширилди.

**Абдиҳаким ОЛТИБОЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди раиси ўринбосари.**

# ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

**Мамлакатимизда таълим тизимига берилаётган эътибор самараси ўлароқ, ўқитувчи мақоми ошиб, ўқувчиларнинг турли кўрик-танлов, фан олимпиадларида фахрли ўринларни эгаллаши, хорижий ўқув юртларига муддатидан олдин киришларига омил бўлмоқда.**




720 ўринли мактабимизда, айни вақтда 1387 нафар ўқувчи ўқийди. Уларга 98 нафар ўқитувчилар сабоқ бермоқда. Жорий йилда мактабни 96 нафар ўқувчи битирган бўлса, 140 нафар ўқувчи янги ўқув йилига биринчи синфга қабул қилинмоқда.

Мактабимиз Ўзбекистон Республкаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги "Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ кимё ва биология фанлари чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилаяпти. Яқинда имтиҳон жараёнлари бўлиб ўтди. 30 нафар энг иқтидорли ўқувчилар танлаб олинади.

Шунингдек, мактабда айни кунларда янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнлари ҳам якуний босқичда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида мактабда ҳам турли спорт тўгараклари ташкил этилиб, фаолият юритмоқда. Жумладан, бадиий гимнастика тўгарагида бугун мактабнинг спортсевар қизлари иштирок этиб, турли мусобақаларда ҳам қатнашишмоқда. Яқинда бу тўгарак аъзолари 2012, 2013 ва 2014 йилда туғилган қиз болалар ўртасида Самарқанд тумани 2-сон Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби очиқ биринчилигида умумжамоа ҳисобида фахрли 2-ўринни эгаллашди. Ғолибларга диплом, медал ва эсдалик совғалари топширилди.

Ёзги таътил даврида ҳам қатор тўгараклар фаолиятини олиб борди. Кутубхона, спорт зали ўқувчилар ихтиёрида бўлди. Улар бу ерда бўш вақтларини мазмунли ўтказишди. Математика фанидан ташкил этилган икки ойлик курс битирувчилари якуний имтихонларни топширишди. 19 нафари турли номинациялар бўйича ғолиб деб топилиб, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. Тақдирлаш маросимида туман ҳокимлиги ва туман халқ таълими мутасаддилари иштирок этишди. Эътирофли жиҳати, мактаб ўқувчилари турли кўрик-танлов, олимпиадаларда ҳам иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Жумладан, 9-синф ўқувчиси Дилрабо Орзиқулова Россияда математика фанидан ўтказилган халқаро онлайн фан олимпиадасида 1-ўринни эгаллади. 10-синф ўқувчиси Аҳмад Хуршидов дастурлаш бўйича ўтказилган халқаро беллашувда 1500 долларлик грант соҳиби бўлди. Алибек Оймуҳаммедов математика фанидан Россияда ўтказилган халқаро танлов совриндори. У муддатидан олдин Россия давлати техника университети талабаси бўлди. Битирувчи Амир Ҳожиев эса Халқаро вестминстер университети талабасига айланди. Яна бир иқтидорли ўқувчимиз Ойбек Носиров математика фанидан халқаро олимпиаданинг вилоят босқичи совриндори. Ўқувчиларни ушбу ютуқлар билан муборакбод этиб, ота-оналарига раҳматлар айтдик, устозларини тақдирладик. Янги ўқув йилида ҳам бор шижоатимизни ишга солиб, таълим тизимида самарали хизмат қиламиз, албатта.

**Зоҳида ОРТИҚОВА,**
**Булунғур туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактаби директори.**

# ИНСОН ҚАДРИ УВОЛ БЎЛДИМИ?!

**Ҳеч биримизга сир эмаски, ҳозирги кунда инсонлар орасидан бир-бирларига бўлган меҳр, андиша, саховат ва қадр-қиммат тушунчалари анчагина кўтарилган. Кўпчилигимиз маънавиятга эмас моддиятга: ўткинчи ҳой-у ҳавас ҳамда арзимас нарсаларга керагидан ортиқ эътибор қаратиб юборяпмиз, афсуски.**

Ёнимиздаги инсоннинг бетоблиги, бир бурда нонга зор эканлиги ёки ёрдамга муҳтожлиги қизиқ бўлмай, бизга ижтимоий тармоқлардаги олди-қочди гаплар, ўзидан диндор ясаб олган "файласуфлар"нинг носаҳиҳ ҳадислари ёки ким-ким билан уриш қилгани ўта муҳим бўлиб қолди. Ҳаётимиз том маънода техникалар қўлига ўтди, ҳозирда биз техникаларни эмас техникалар бизни бошқаряптимикан деган ҳаёлга ҳам бориб қоласан баъзан.

Албатта, XXI аср технология асри бўлган бир вақтда, интернет ресурсларидан фойдаланиш, билимимизни ошириш, маълумот тўплаш зарур, аммо шу ижтимоий тармоқлар ва техникалар туфайли инсоний қадриятлар, инсоний туйғуларни унутиб юбориш жоизмикан?! Атрофимизни интернет, ижтимоий тармоқлар ўраб олган, ҳатто охирги марта қачон зерикканимизни ёки шундай тармоқларни маълум муддатга бўлса-да ишлатмай турганимизни эслолмайдиган даражага келдик.




Ўтган асрларда, коммуникатция воситалари, ижтимоий тармоқлар деярли ривожланмаган бир пайтда инсонлар имкон топиб, бир-бирларининг ҳолини, соғлигини сўраб туришарди, аммо ўша даврга нисбатан ҳозирда бирор-бир кимсани топиш юз баробар осонроқ бўлса-да, на бирор танишимизнинг аҳволини сўраймиз, на иш, ўқишдан бўш вақт топиб оиламиз билан бирга вақт ўтказамиз. Умуман олганда, биз ривожланамиз, дея тубсиз жарликка томон бормоқдамиз.

Юқорида келтирилган фикрлар орқали бутунлай виртуал оламдан узилиш кераклигини айтмоқчи эмасман, бундай глобаллашув жараёнида бунинг имкони ҳам йўқ. Аммо биз виртуал билимлар билан биргаликда азал-азалдан бизга мерос бўлиб келаётган: қўшничилик, меҳр-мурувват, инсонийлик, маънавий етукликка интилиш каби инсоний фазилатларни ҳам унутмаслигимиз ва келажак авлодлар учун ҳам тўла-тўкис етказишимиз керак! Зеро, биздан "iPhone" нинг нечинчи русумини ишлатётганимиз ёки қайси дастурларда шахсий кабинетимиз борлиги эмас, қариндошларимизга силайи-раҳм қилганимиз, қайси бемор танишимизни кўргани борганимиз, қайси бир ночор инсонга ёрдам қилганимиз қолади бу фоний дунёда. Шундай экан, замонавий билимлар билан бир қаторда инсоний фазилатларни ҳам ўзимизда камол топтирайлик!

**Назокат РУСТАМОВА,**
**СамДЧТИ, 3-босқич талабаси.**

# ДАМ ОЛМАЙ ИШЛАЙВЕРСАК, НИМА БЎЛАДИ?

**Бир куни икки ўтинчи ўрмонга ўтин кесгани борибди ва ким кўп ўтин чопишга ўзаро мусобақалашишибди. Биринчи ўтинчи кўпроқ ўтин чопиш мақсадида танаффуссиз, дам олмасдан ишлабди. Иккинчи ўтинчи эса, маълум вақт ишлагач, бироз дам олар, кейин яна ишини давом эттирарди.**

Биринчи ўтинчи рақиби томондан аҳён-аҳёнда болтанинг тақ-туқ овози жимиб қолаётганини эшитиб, қувончи ичига сиғмасди. Кун охирида иккаласи натижани ҳисоблашса, иккинчи ўтинчининг ўтинлари анча кўп эмиш.

Биринчи ўтинчи ҳайрон бўлиб сўрабди:

— Қанақасига сенинг ўтинларинг кўп бўлиши мумкин, ахир сен дам олиб, мен эса танаффуссиз кўпроқ ишладим. Мантиқан олганда, менинг ўтинларим кўп бўлиши керак эди-ку!

Шунда иккинчи ўтинчи жавоб берибди:

— Барчаси оддий, дам олган пайтларим болтамни чархлаб, ўткирладим, шу сабабли натижам самарали бўлди. Сен эса тинимсиз ишлаганинг учун болтанг ўтмаслашиб қолди, кун охирига бориб, деярли ўтин чополмай қолдинг.

Ушбу ривоятдан кўриш мумкинки, дам олишсиз ишлаш ҳар доим ҳам самара беравермайди. Аксинча бу ходимларнинг тинкайи мадорини қуритади, иш сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Афсуски Ўзбекистонда ходимлар, айниқса давлат ташкилотларининг ишчилари меҳнат қонунчилигида кўрсатилган иш вақтидан ҳаддан ташқари ортиқча ишлайди.

— Ҳар куни соат кечки 11-12 гача ишлаш одатий иш режимига айланиб қолган.

— Агар ишдан ўз вақтида, яъни соат 18:00 да кетсанг, бошинг балога қолади, камида ҳайфсан оласан ёки ишдан ҳайдаласан.

— Тунгача олиб ўтиришганда қонунларни унутишадию, лекин эрталаб ишга озгина кеч қолсанг, дарров тартиб ва қоидалар эсига тушиб қолади.

— 5 кунлик иш ҳафтасини деярли унутишган, шанба - сўзсиз иш куни. Шанбани қўя турайлик, ҳатто якшанба ҳам ишга чиқилади.

— Ортиқча иш учун меҳнат қонунчилигида қўшимча ҳақ тўланиши кўрсатилган, аммо бу фақат қоғозда.

Ахир ходимлар робот эмас, одамку! Ҳатто техника ҳам узлуксиз ишлатилса, қизиб кетади ва тез бузилади.

Яқинда Reuters нашрида чиққан мақолани ўқиган бўлсангиз керак. Мақолада Ўзбекистонда давлат хизматчилари кунига 15 соатдан ва дам олиш кунисиз узоқ йиллар ишлаётганлиги, натижада уларда кучли чарчоқ ва стресс борлиги, ўзбек амалдорлари учрашувлар пайтида ухлаб қолишлари ҳақида ёзилган.

"33 миллион аҳолига эга собиқ совет республикасида ҳукумат ишчилари орасида узоқ вақт мобайнида шаклланган анъана бор - улар ўз бошлиқлари кетмагунга қадар офисни тарк эта олишмайди", - дейилади хабарда.

Фарзандларимизнинг тарбияси йилдан йилга ёмонлашиб бормоқда, уларнинг ўқиши, маънавияти, савияси пасайиб кетяпти, дея кўп нолиймиз. Бунинг энг катта сабабларидан бири оталар кун бўйи ишда, ярим тунда келади, эрта тонгда кетади, ҳатто дам олиш кунлари ҳам фарзандларининг тарбияси билан шуғуллана олмайди.

Йилдан йилга ажримлар кўпаймоқда, нотинч оилалар сони ортмоқда, хиёнатлар оддий ҳол бўлиб қолди, деб хавотир оламиз. Чунки эрлар кун бўйи ишда, турмуш ўртоқларига тайинли вақт ажрата олмайди, оиласини бирор жойга олиб боролмайди, дам олиш кунларини оиласи даврасида ўтказа олмайди, керак бўлса бозор-ўчарни ҳам хотин кишининг гарданига ташлаб қўйишган. Сабаби эр давлат хизматчиси, унинг оиласи учун бир дақиқа вақти йўқ. Ярим тунда чарчаб, силласи қуриб келади, эрта тонгда уйқусираб, нонушта ҳам қилмасдан кетади.



Бунақа шароитда қанақа тарбия, қанақа тинчтотув оила ҳақида орзу қилиш мумкин?

Ҳаддан ташқари кўп ишлаш кадрлар сифатига жиддий путур етказишини, бундан барибир самара бўлмаслигини, аксинча иш вақтидан ташқари ортиқча сарфланаётган ресурслар давлатга фақат зарарлигини қачон тушуниб етамиз-а?

Меҳнат ҳуқуқлари етарлича таъминланмаган жамиятнинг ривожланиши қийин. Чунки давлатнинг асосий бойлиги, ривожланишнинг энг муҳим пойдевори - инсонлар! Уйқусираган ва силласи қуриган аскарлар билан жангда ғалаба қозонишнинг имкони йўқ.

Яхши кунлардан, ижобий ўзгаришлардан умидвормиз.

**Хушнудбек ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**ҳуқуқшунос.**

Бугунги кунда Республикамизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, халқимиз яшаш шароитини яхшилаш мақсадида ҳукуматнинг қатор қонун, қарор, фармон ва фармойишлари қабул қилиниб, барча соҳалар каби шаҳарсозлик соҳасида ҳам кескин бурилиш ясалиши натижасида Республиканинг барча минтақаларида кенг қамровли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда, кўплаб аҳоли яшаш уйлари, жамоат бино ва иншоотлари, ишлаб чиқариш объектлари барпо этилмоқда. Шундай экан барчамиз қурилишларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмоғимиз даркор.

Биноларда ёнғинга қарши оралиқ масофаларни сақланиши, ёнғинга қарши тўсиқларнинг бар-

# ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНГ!



по этилиши, қурилиш ашёларини тўғри танланиши, бино ва иншоотларнинг ёнғин бардошлилик даражаси ва ёнғинга қарши отсекларнинг мавжудлиги, бино ва хоналарда тутун хайдаш тизимини борлиги, томлар ва том ёпмаларнинг тўғри танланиши, ёнғинга қарши ташқи сув таъминотининг мавжудлиги, биноларнинг ички сув таъминоти, электр симларини монтаж қилиш қоидаларига амал қилиниши, ёнғинга қарши автоматик воситаларнинг мавжудлиги бугунги кунда қураётган бино ва иншоотларимизни жаҳон стандартларига мос келишини таъминловчи муҳим омиллари ҳисобланади.

Шуни айтиш жоизки, уйнинг қанчалик сифатли қурилгани юқоридаги омилларга қараб белгиланади. Айниқса, уй сотиб олаётганда унинг дизайни билан бир қаторда унинг ёнғинга қарши тўсиқларнинг мавжудлигига жиддий эътибор қаратиш лозим.

Зеро, биз қурилиш соҳасида бу қоидаларга жиддий эътибор қаратиб, оиламизнинг, яқинларимизнинг ҳаётини кутилмаган кўнгилсизликлардан сақлаган бўламиз.

**Азамат ЮСУПОВ,**
**Қўшработ тумани ФВБ НТБ бошлиғи.**

Илҳомжон Тўхтасинов, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор

# NAVOIY
# (Novel)

Илк бор ўзбек тилидан инглиз тилига таржима

(Давоми. Бошланиши олдинги сонларда)

— There are rumors that our ghazal gained some notoriety among the people, – said modestly Navoiy. — Thanks to your wondrous works – this beautiful pearl should fill the whole world.

Jami's eyes shone with a kind smile.

— Allow me to rewrite it? – Navoiy looked for pen and inkwell.

— Do not tax yourself, – Jami stopped him from flicking of the wrist. — I rewrote it for you.

— The value of your gift to me is precious.

Navoiy carefully folded it, put it in his pocket and said goodbye. Jami escorted him to the outer door.

## CHAPTER XIII

### I

In the garden of his new estates where the first flowers of young trees blossomed and painted houses had not yet been completed, Majididdin hosted a party. Lords and officials accustomed to feasting for weeks drank a lot, but they were still sober. Only pale, bloodless, and like a lizard Shahobiddin was already tipsy. Not being able to joke with one of his guests, he lamented that today the famous wit Abdulvose was not invited. Majididdin parvanachi's eyes narrowed.

— Mr. Penalty, we purposely did not invite Abdulvose. We need to discuss something.

— You yourself are a great master of wit and jokes, start it, – suggested Emir Mogul.

— No, Sir, I have stopped joking with princes and emirs, – said Shahobiddin, rubbing his hands.

— The reason for this is known to us, – said, smiling ironically, Majididdin. — Did you reprimand Alisher?

— We do not know. How was it? – with all ears said the old dandy official Khoja Khatib.

— In one meeting Alisher joked to my account, and I immediately replied. He was very unhappy, – replied Shahobiddin. — Your poet piled one arrow and I broke one of them, the lover of hunting.

Majididdin was delighted: the path to serious talks opened itself. To attract attention to himself, he said, lowering his voice, as if preparing to announce an unexpected disaster, said:

— Thank God, Qozi(Historical term denoting judge). What do you know from participating in our meetings - a great mercy of Allah. Alisher's paw still threatens you. If he will drive you out of our city like paradise then what will you do?

— May I'll be a victim for you! What crime have I committed? Yes, Allah will send such a calamity to any of their slaves! – Shahobiddin exclaimed with fearful eyes.

Majididdin laughed:

— What is the fate of the venerable Binoiy, the first poet of Khorasan? Isn't he banished into exile?

— Reverend Binoiy went traveling, - said one of the guests, who played chess.

— Nonsense! You do not know, – frowned Majididdin.

— Binoiy won fame thanks to the patronage of the famed Alisher, – worrying, said Shahobiddin. — Then he went everywhere and all laughed at his mentor. Before leaving, he rustled the whole Herat and invented a new form of saddle-blanket for the donkey and called it "numdah Alisher." And I, did I hurt Alisher? I just do not like that he writes poems in Turkic, that's all!

— For Mavlono Binoiy there is also no other fault, – intervened Khoja Khatib. — Binoiy believes that to compose poems in Turkic is an empty case, because he laughed at Alisher.

The venerable Shahobiddin quickly overturned a cup of wine into his mouth and combed his long beard with his fingers.

— Yes, we do believe that the truth is on the side of Binoiy, – he said, shaking his head proudly in a blue turban. — Firdavsiy, Nizami, Sheikh Saadi, Hafiz and similar lights in the sky filled with the radiance of poetry all over the world, and the dark light of Turkic poets cannot illuminate even the hut. Iran is a treasure trove of poetry and science, the great Allah irrigates his tongue with water from a spring of inspiration. Therefore, we should also write in this language.

Mogul emir, whose face clearly read the earlier nights spent drinking wine and playing, shook his hand to Majididdin and clinked glasses with him over a painted bowl.

— A reasonable thought, – he said panting. — I, personally, do not attach importance to this issue, let rusters sing like nightingales and they will have fans and listeners...

— As far as rumors I've heard, Navoiy achieved, on one hand, Kazan, on the other – Khotan and Kashgar — put to one of those present.

Emir Mogul glared at bek and gulped down the cup and went on:

— I worry more. The trouble is that Navoiy took Khorasan into his own hands. From it threads to all cases and to all posts are drawn. State lords, fathers and grandfathers had served as faithful servants of Timur and his descendants - and now have no authority. Navoiy in the state wants to destroy old customs and the establishment, rulers of cities and regions, with countable books under his arm, scurrying to the weaver's shuttle. Hiding behind the words "people", "justice", "law", it's still unknown what Navoiy will decide.

Emir Mogul made a great impression on those present: even the players tried to quickly finish the game and join the conversation. Majididdin clicked his fingers that were lightly studded with precious rings and fervently spoke:

— For every experienced statesman Navoiy is ranting mere words about the people and justice. People are like a herd. To chase them, the shepherd needs only a strong stick. Navoiy, wanting to blacken eyelashes, will burn his eyes. Accusing some respected qozis and officials of injustice and oppression, he inspired this idea to all the people. Now officials even in the provinces every day come with endless complaints. This is not politics, but stupidity. What to do - this truth has not yet opened the blessed eyes of Jaca.

— I wish our sultan – Khatib, said Khoja, sadly shaking his head. — Alisher Navoiy presents himself as a benefactor of the state and nation, the state has become a plaything in the hands of his supporters. If you cannot restrain the foolish people who without any reason throw stones at notable people, they can do terrible things. Behind the words of the law or justice Navoiy makes violence.

— Violence! Violence! – shouted angrily Shahobiddin, spluttering. — You have correctly told to Khatib. Do we need more arguments and evidence? Here is one of them, ladies and gentlemen: your humble servant, not sparing the life of flowers and precious gems of thought, created a work which in fact has no equal in the language of the Arabs, Persians and Indian. In this work, I have the easiest ways to find the right suras and verses of the Holy Koran, which is very useful for every Muslim. Yet my zeal and diligence was paid no attention. Madrassahs closed the doors to your humble servant. Mudarris that surround Navoiy and studied in our madrassahs are involved in astronomy, mathematics, logic and similar sciences, shaking the foundations of religion and exciting doubt in the pure faith of Muslims. Where is faith and piety? Where is the justice?

— This should be spoken directly to the people, Penalty, – said Majididdin.

Majididdin signaled to the cupbearer - a smartly dressed, elegant young man. Before each of the guests he put a bowl of ruby drink. Intoxication opened their closed hearts.

In the midst of the fun came Togonbek. On the shoulders of his blue silk chekmen and adorned with on embroidered collar on his head was a Mongolian cap; on overtightly milled wide belt studded with colored stones was in his hand and he held a whip with a silver handle.

With the help of Majididdin, Togonbek managed to get into the personal retinue of the emperior's favorite son from Khadichabegim -young Muzaffar Mirza.

Taking the proposal by the host, Togonbek drained a large bowl of wine. But drunken beks managed to drink out of this bowl several unfinished drops and following the ancient custom, they set out for Togonbek nine bowls. Rigorously observing old traditions, Togonbek did not object. He just grunted, smiling sarcastically:

— Is it possible to enjoy the souls of ancestors, this thimble?

Servants brought porcelain pots. The slim cupbearer put a few pitchers in a row. Togonbek crouched beside them on his heels. Like a thirsty bull who finally broke out of the crib and greedily lapping of the first, got the ditch, oh quaff began. Emptying the first pot, Togonbek drank from the pot until there was not a drop. Beks, screwing drunken eyes, watched with interest for a while. If the pot is not filled to the brim, they shouted: "Pour! He will be able to drain entire Jayhun(Ancient name of Amudarya River)! "

Togonbek drained the ninth pot and turning, wiped the reddish liquid from his mustache.

— That fellow, worthy of being a commander for such a conqueror as Chingizkhan! – said Khatib Khoja.

Beks clapped on the shoulder of Togonbek and called him a worthy descendant of the ancient heroes.

The junket become even livelier and the venerable Shahobiddin became quite drunk and fell down dead. Togonbek talked about how Muzaffar Mirza with hundreds of jigits went hunting for ten days and the young prince learned to shoot a bow. He argued with some lords about hunting and hunting birds. Seeing that the feast would not end soon, Togonbek winked to Majididdin and stepped aside. Among the young trees he saw the slave Nurbobo working tacitly. Togonbek first greeted him warmly and asked about the old man's health, but soon the wine had its effect: Togonbek took a proud look and began to horseplay. He grabbed the old man's beard and shouted:

— What's that? Make of his beard a broom and call it "Alisher broom." Is it bad? Now whoever in Herat does anything like this, it's necessary to call it "Alisher ", you know your head is stupid?

The wrinkled old face quivered with anger. With the effort of getting out of Togonbek's hand, he said angrily:

— Are you still sharpening the language of Alisher Navoiy? I see that Alisher's order annoyed you?

Togonbek, with one hand grabbed the old man by his belt and easily, like a child, raised him:

— I would have tossed you like a puppy, but I respect your broom here, – he said to the old man and carefully lowered to the ground.

Clear eyes clouded Nurbobo's sadness and he looked at his feet. He said: thousands of eyes are looking at you, I know you think about promotions. We are all miserable, weak, powerless and you're not looking with the corner of your eye. But know this, you and I both will go to one place, our share is a piece of cold earth. While we are alive, there is a difference between us: I am a slave and you are the honourable, brave, free, but in the land we will lie down. Ah, just what I have not seen the heir: Shahrukh Mirza, Abulqosim, Babur Mirza, Abu Sayyid Mirza. All went on the same road. Soon, I'll go after them. Both the king and the servant has the same last journey.

Nurbobo, with an old robe, wiped tears streaming down on his face, worn out with labor again went to work.

— The old man, – said haughtily Togonbek, — your words have meaning, but life is short. Raise the same dust of life as high as possible.

— In the dust we can suffocate, – Nurbobo said quietly, not looking at Togonbek.

Seeing the approaching Majididdin, Togonbek quickly ran toward him.

— Well, what do you say? – asked Majididdin, leaning heavily on the arm of apple barrel.

— Khadichabegim wants to talk to you tonight – Togonbek whispered.

The eyes of Majididdin widened. He immediately sobered.

— Did she... she say? – he said, stammering. — Where we'll meet? At the palace?

— She said about it to her main slave. At the new palace of Muzaffar Mirza.

The face of Majididdin blurred with fatuous smile. Togonbek sidelong glanced at his former master.

— Say a word for me to our queen.

— We'll see, brother, if appropriate.

### II

After evening prayers parvanachi came to the palace of Muzaffar Mirza. To avoid suspicion, he said to the servants to come to see that the prince read a prayer for him. One of the servants pointed into the distance. Majididdin looked and it seemed to him that black, coal blazed torches lit up the night.

— What a marvelous spectacle, – he expressed his pleasure to parvanachi, shaking his head.

— Our prince every day finds out a new entertainment, new fun, – the servant said.

In the garden the main slave of the queen waited for Majididdin. She led parvanachi to the dark, deserted by a brightly lit two-storyed house. Majididdin went up the stairs to the second floor. Coming into the hall, where a black slave sat, he entered a small, luxurious room.

On a pile of silk cushions a woman reclined. Majididdin twice bowing, to her, and then, having obtained permission and again bowed squatted down, apart from the Queen. The slave trimmed candles in sconces and walked backwards, out of the battalion of commanders.

Majididdin, fearing to seem immodest, tried to look at the ground.

— Is the health of Her Majesty well? Is her heart satisfactory? – said Majididdin.

— Thanks to God, – said Khadichabegim adjusting with long fingers her sideburns. — I just do not bother you...

— Your office is always ready to run the call and I consider it an honour and happiness to dwell in her company.

Khadichabegim who liked to pose as a queen, with aching soul for their country, began asking questions about the state of affairs in the state. Majididdin in eloquent terms stated that under the sole sovereign and justly reasonable queen of Khadichabegim throughout the country is abundance, and skillfully managed the way to emphasize their own merits. Khadichabegim listened absently, then engaged in the jewelry and hair, then looked into the dark quiet garden.

— I'm relying on you and wanted to consult you about some matters, – she said affably,

— Your slave is unable to find words of thanks for the great kindness to him.

— Our son Muzaffar Mirza, thanks God, grows fast, with every passing day he becomes more reasonable... –the queen became thoughtful and silent.

— Come, Lord, our prince priceless gem in the crown of Khorasan, the throne of Suleiman and longevity of Hyzr, – parvanachi stroked his beard.

On the face of the queen flashed a smile.

— The mother's heart is pleased with her fortunate son, – she said with feigned affection. — If God grants him life, Muzaffar Mirza will soon grow... His heart is filled with all kinds of desires. The time will come, and he, like his father and grandfathers, sit on the horse - to arrange the affairs of state and to lead the army. The intentions of Khadichabegim were now quite clear, - Majididdin thought. He smiled and said:

— The son of the king has the people and the army, the son of a dervish – a monastery and a mosque.

— Nothing can be hidden from you, – the queen said with a smile. — Ways for my son to be happy should be started now. I know every prince has desires and aspirations! Badiuzzamon, the heir to the throne. Muzaffar Mirza is far from such worries. Though I'm woman, I did not think about my son... are my thoughts clear?

— Clear as the sun. Your words are pearls. They show a rare mind and lofty thoughts of our queen.

— Well, what do you think about this?

— What he thinks about your office? – parvanachi smiled and continued with a wise view: — First, we must say that I fully support the opinion of Your Majesty. For happiness of Muzaffar Mirza we need to take actions now. Variability is the infinite destiny, but to hurry in this case or to be open to anyone - God forbid! This will entail bad consequences. We must act in secret. Each step is discussed; the devotion of lords and jigits1 surrounding Muzaffar Mirza, must be bekond doubt. Among them there are experienced horsemen and braves, for example, Togonbek. Let the prince take more time with mature and experienced people.

— Do you agree to give instructions to the Prince?

Majididdin was waiting for this proposal. To clap your hands, you need two hands, a promise for a promise.

— How is this poor man to his Majesty Emperior, to serve as Prince? – parvanachi said, folding his arms across his chest. — In the presence of the emperior, I strongly praise the virtues of Prince. However, my efforts and the efforts in this direction depend on my position in the state, from the place that I occupy at the court, or am I mistaken?

— You are absolutely right, – said the queen, smiling meaningfully. — We have considered this question. We should continue through faithful people to inform each other about everything. I have nothing more to say to you.

Majididdin bowed, put his hands to his chest and left.

(Давоми кейинги сонда)

# УМИД УЧҚУНЛАРИ

**Эрта тонг. Баҳорнинг ҳам салқин, ҳам ёқимли ҳавоси танга роҳат беради. Айниқса, ёмғирдан кейин атроф ўзгача бир гўзаллик касб этади.**

Йўл четидаги ўриндиқда укаси билан ўтирган Асрор бу гўзалликни кўра олмасада, ёмғирдан сўнг кўтарилган ёқимли ҳидду, атрофга чўккан ўзгача сукунатдан баҳра олар эди. Шаҳарнинг марказий қисмида жойлашган бу кўча бугун негадир гавжум эмас. Бу эса Асрорга янада манзур бўлди, негаки, у анчадан буён кўчага чиқмаганлиги сабаб табиат овозини жуда соғинган ва айни дамда уни жон қулоғи билан тинглар эди. Табиатга қулоқ тутар экан бутун ҳаёти ҳаёлидан ўтарди ва беихтиёр яна бутун ҳаётини ўзгартириб юборган ўша воқеа ёдига тушди. Айни дамда Асрор ҳам, укаси Дилшод ҳам битта воқеани ёдга олар эди. Дилшод бундан 8 йил илгари акаси билан ўйнаётиб бехосдан унинг чап кўзига зарар етказиб қўйган ва Асрор бир кўзидан айрилган эди. Докторларнинг "Тушкунликка тушма, донор топилиши билан операция қилиб, кўзларингни даволаймиз" деган гапларига Асрорнинг ўзи рози бўлмади, бунинг сабабини эса ҳеч ким билмайди.

Орадан йиллар ўтди. Асрорнинг иккита кўзи вазифасини бажараётган ўнг кўзи ҳам аста-секин хиралашиб борар эди, охироқибат иккала кўзи ҳам кўрмай қолгач Асрор бутунлай ҳаётдан совиди-қолди. Отаонаси, укаси қанча қистамасин операцияга розилик бермади, сабаби доим у билан юрадиган, севимли иши рассомчилик билан шуғулланишдан тортиб бошқа болалардек ўйнаб-кулишдан жудо бўлишига сабабчи бўлган инсонни - укасини бир умр виждон азобида яшашини хоҳлар эди. Дилшод деярли бутун кунини акаси билан ўтказар, унинг шу аҳволга тушишида ўзини айблар, акасини муолажага розилик бериб, соғайиб кетишини, тезроқ бу виждон азобидан қутулишни жуда-жуда хоҳларди, аммо....

— Соат неччи бўлди? – Асрорнинг саволи Дилшоднинг ҳаёлларини тўзғитиб юборди.

— 8 дан 23 дақиқа ўтди, кутубхона очилишига ҳали ярим соат бор, ака, – деди Дилшод, акаси нима учун вақтни сўраётганини тахмин қилиб.

У 2-3 ҳафтадан буён ҳар пайшанба акасини махсус кутубхонага олиб боради. Асрор аввалига бунга ҳам кўнмади, Дилшод бир мартагина бориб кўринг, чигилингиз ёзилади деб ҳоли-жонига қўймагач рози бўлди. Ана энди пайшанбани ўзи ҳам интиқлик билан кутадиган бўлди. Фақат ўша ердагина ожизлигидан уялмас, кутубхонадаги китоблар унинг қалбига нур киритаётгандек бўларди. Бугун қандай китоб ўқиши-ю, қайси китобни уйга ўқиш учун олиб келишини ўйлаб ўтирган Асрорни Дилшод чалғитишга уринди:

— Ака, сиз билан бир нарсани гаплашиб олишимиз керак, – деди Дилшод сокин оҳангда. — Аслида, гап нима ҳақидалигини ўзингиз ҳам яхши биласиз.

— Гаплашишни хоҳламайман! У мавзуни бошқа очма демаганмидим сенга? – деди Асрор жеркиган оҳангда.

— Ака, умид бор экан, мен шифокорингизда сўрадим, нима учун рози бўлмаяпсиз операцияга, тушунмаяпман? Наҳотки, яна олдинги ҳолингизга қайтишни хоҳламасангиз? Наҳотки, мени бу виждон азобидан халос қилишни истамасангиз....? - буёғига Дилшоднинг овози титрай бошлади.

Асрор унинг гапини эшитмаётгандек, кетдик ишорасини қилди. Яна Дилшоднинг уриниши бекор кетди, у акасини кўндира олмагани учун бир эзилса, ўша пайт қилган эҳтиётсизлигига минг эзиларди. Наҳотки, унинг шу биргина хатосининг бадалини акаси бир умр тўласа.... Дилшод буни хаёлига ҳам келтира олмайди... Бугун бўлмаса эртага акасини албатта кўндиради, акаси ҳаётининг сўнгигача бундай қолмайди, қололмайди, албатта, яна аввалги ҳолига қайтади. Фақат мана шу умидгина Дилшодни ҳаётга боғлаб турар эди.

У ҳар тонг "бугун акамни кўндираман,



албатта, рози бўладилар", деган умид билан уйғонар, акасидан совуққина жавоб олса ҳам умидини узмас эди. Тўғри бу хатони ёшликда қилган, атайлаб қилмаган, лекин барибир бундай сабаблар унинг юрагидан айбдорлик ҳиссини чиқариб ташлай олмас эди. Асрор кутубхонадан чиққунига қадар шундай хаёллар билан вақт қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қолган Дилшод соатига қаради. Асрорни олиб уйга қайтар экан кутубхонадан кайфияти кўтарилиб чиққан, қандай китоб ўқиганини тўлиб-тошиб гапираётган акасини кўриб баттар эзилар эди. Асрор ҳам буни сезди, шу топда 8 йил вақтини укасига хатосининг жазосини олиши учун сарфлаб ўзини ҳам, укасини ҳам қаттиқ қийнаганини ҳис қилди.

— Дилшод, биласанми нима? Мен бир қарорга келдим. Мен розиман.

— Н-нима, ростанми? Ака, ҳазиллашмаяпсизми? Яъни, фикрингиздан қайтиб қолмайсиз-а, ака? – шунчалик қувонганидан Дилшоднинг тили айланмай қолди.

— Йўқ, қайтмайман ука, қайтмайман.

Дилшод севинганидан акасини даст кўтариб олди: — Акажон мана кўрасиз, кўзларингизни тузатамиз, олдингидан ҳам яхшироқ кўрасиз. Ҳамма-ҳаммасини бошидан бошлаймиз, ака, ўқишингизни давом эттирасиз.....

— Бўлди, қўйсангчи ёш боламисан, ерга тушур мени, – деди Асрор укасининг йиқитиб юборишидан қўрққандек.

Орадан бироз вақт ўтди. Дилшод шифокорларга операция ўтказишга рози эканликларини айтди. Лекин донорлик ҳам, операция харажатлари ҳам жуда қиммат эди. Бунча пулни ўртаҳол яшайдиган Асрорларнинг оиласи топа олмас эди. Орадан кўп вақт ўтмай донор топилди. Дилшод эса ўзи, айнан, операцияга деб йиғиб юрган пулларини олиб, камига қавм-у қариндошлар, дўстбиродарларидан қарз олди, у учун энг муҳими ҳозир акасининг соғайиши эди. Аннамана дегунча керакли маблағ йиғилиб қолди. Орада Асрор билан муносабатлари яна аввалги ҳолига қайтди, ҳатто ундан ҳам яқинроқ. Операция куни келди, Асрор ҳам, Дилшод ҳам, уларнинг ота-онаси ҳам қаттиқ ҳаяжонда эдилар.... Ишқилиб яхши ўтсинда... Операция мувафаққиятсиз тугаса оила аъзоларининг ҳеч бири бунга дош бера олмайди...

Ниҳоят операция тугади, орадан анча вақт ўтиб, Асрорнинг кўзларини очишига рухсат беришди. Асрор шунча вақтдан сўнг яна ёруғ оламни кўрарди ва кўрган биринчи инсони унга кўзларида шашқатор ёш билан тикилиб турган укаси бўлди. Дилшод қувончдан акасига нима дейишини ҳам билмас, шунчаки кўзларида ёш билан унга тикилиб турарди... Айни дамда бу оиладан бахтли оила, Асрор ва Дилшоддан бахтли инсон йўқ эди оламда...

**Муниса НИЗОМОВА.**

# ТАЛАБАЛАР ҲАЁТИДАН БИР ШИНГИЛ



**Ушбу лойиҳамизнинг шартлари оддий бўлиб, унда сиз мактаб, лицей, коллеж, университет давридаги қизиқ, унутилмас кунларингизни, талабалар ҳаёти билан боғлиқ ибратли воқеаларни кичик ҳикоя тарзида ёзишингиз керак бўлади ва тайёр бўлган ижод намуналарингизни *@Iroda_Sirojiddinovna* телеграм манзилига юборишингиз лозим. Энг яхши деб топилган ибратли ҳикоялар, қизиқарли воқеалар газетамиз саҳифалари ва расмий каналимизда бериб борилади. Унутманг! Сизнинг ижод намунангиз кимнингдир кўнглини кўтариши ёки мотивация бериши мумкин. Қуйида талабалар томонидан юборилган ижод намуналарининг энг саралари билан танишинг.**

## МЕВАЛИ ДАРАХТГА ТОШ ОТИШАДИ

Севара синфнинг энг аълочи қизларидан бири эди. Дарсларни тўлиқ ўзлаштирганлиги сабабли устозлари уни ҳурмат қилар, унга яхши муомалада бўлар эди. Дарслардан сўнг қўшимча машғулотларга қатнашишга ҳам вақт топар эди. Мактаб директори уни саккизинчи синф бўлишига қарамасдан, танлов дейсизми, фан олимпиадаси дейсизми, сухбатларга ҳам уни жўнатар эди.

Кунларнинг бирида у инглиз тили машғулотига қолди. Ўзидан бир синф юқорида ўқийдиган бир қиз билан



бирга ўтиришган эди. Гапдан гап чиқиб, Севара дугоналари унчалик дарсларга қизиқмаслиги ҳақида суҳбатдошига айтди. Бу ҳаётда сен нимагадир эришсанг, шухрат топсанг, атрофингдагилар ҳар қадамда сени чалиб йиқитиш пайида бўлар экан. Эртасига синфдаги қизлар даврасида Севарасиз ўзаро пичир-пичирлар бошланди. Нима эмиш, Севара барча дугоналарини "иккичи" деб бутун мактабда ёмонлаб юрганмиш.

Бири: ,,Ёмонламасин эди. Нега ёмонлайди? Ўқисак, ўзимиз учун ўқиймиз".

Яна бири: ,,Ўзича зўрда энди у. Директорнинг эркатойи бўлиб олган. Ўқитувчилар ҳам унга яхши гапиришади".

Учинчиси: ,,Бўлди энди уни оралмизга қўшмаймиз".

Севара тушкунликка тушди. Бутун синф унга қарши. Синфда у ўтирган парта бошқалар томонидан эгаллаган. Йиғлади. Сиқилди. Баҳолари тушиб кетди.

Шунда бир устози у билан дилдан гаплашди:

- Қизим, бу ҳам бир синов. Ҳаёт ўзи шунақа. Сен жамиятда бошқаларга қараганда кўпроқ эътибордамисан, демак, сенга бўладиган ғараз ҳам кўпроқ. Сенга бир мисол. Боғга киргенингда икки мевали дарахт ёнингдан чиқди. Бири бу йил мева бермаган, бирининг шиғил ҳосили бор. Сенга савол, қайси бирига тош отасиз? Албатта, меваси борига, шундайми? Сен озор етказиб мевасини олган дарахт менга тош отишди деб, келаси йил ҳам мева беришдан тўхтайдими ё ўсишдан тўхтайдими? Албатта, тўхтамайди. Ирода бобида, наҳотки, сен бир дарахтчалик бўлолмасанг?

Бу сўзлар Севарага бошқача таъсир қилди. Кўз ёшларини артди ва қаттиқ билим олишдан тўхтамади. У бошқа ўзига яқин дўст қилмади. Ғийбат ва фисқ-фасодга ҳам эътибор қилмади.

Ўн биринчи синфни ҳам битиришди. Севара олийгоҳга грант асосида талабаликка қабул қилинди. Ғийбатчи дугоналар эса Севаранинг уйидаги базмга ,,сохта" табриклаш учун келишди.

**Фарангиз ШОҲИМАРДОНОВА,**
**СамДЧТИ Инглиз тили - II факультети талабаси.**

## СЕН ЯШАШИНГ КЕРАК

Сабина жуда бахтли, хушчақчақ, кувноқ қиз. Институтда аъло баҳоларга ўқийди. У ҳамма сингари ҳаёт кечирар эди. Аммо кутилмаганда рўй берган



фалокат туфайли ҳаёти бутунлай ўзгариб кетди. Тиббиёт институти талабаси, бўлғуси шифокор Мадинани катта тезликда келаётган такси уриб юборди... Гўзал, омадли қиз бир лаҳзада ногиронга айланди. Мадинанинг аҳволи жуда оғир эди. Шифокорлар унинг отаонасига "Бардам бўлинглар, қизингиз яшамайди..." дейишган эди.

Қиз омон қолди. Бутун танасининг суяклари синган Сабина олти ой ўлим билан курашди ва ғолиб келди. Аммо бу синовлар ҳали ниҳоясига етмаган эди. Оғир дардни кўтаролмаган отаси вафот этди. Сабинанинг ўзи ҳам яшашни истамас эди. Жароҳат ўрнида шиш ўсиб чиқди, бу шиш асаб томирларини қисиб, дахшатли оғриқ берар эди. Операциядан сўнг шифокорлар Сабинага энди ҳеч қачон ўзи юра олмаслигини айтишди. "Ўзимга келиб, қандай аҳволда ётганимни англаганимда дунё кўзимга қоронғи кўриниб кетди. Кунлаб қоронғи хонада ётар, онам пардаларни очмоқчи бўлса, қўймас эдим. Яшашни истамас, ўлишни хоҳлар эдим." деб эслайди Сабина ўша кунларни. Тушкунликка тушган қизни бу аҳволдан чиқариш учун шифокорлар уколлар, дорилар беришар эди. Аммо ҳеч нарса ёрдам беролмасди. Бу оғир кунлардан уни онаси олиб чиқди. Бир куни у Сабина ётган хонага кириб, "Етар, сен яшашинг керак" - деди.

Яшаш осон бўлмади. Сабина таркидунёчиликдан чиққанидан сўнг унинг операцияга ҳомийлик қилишига рози бўлган саховатпеша топилди. Операциядан сўнг Сабина оёқларини қимирлата бошлади. Сабинанинг онаси яқинда вафот этди. Волидасининг порлоқ хотираси учун у курашишдан толмади-агар таркидунё қилсам онамнинг хотирасига хиёнат қилган бўламан, деб доимо ҳаёт учун курашади. Ҳозирда Сабина таниқли шахс. У ҳақида телефильм суратга олинди. У дунёда биринчи бўлиб имконияти чекланганлар учун "гўзаллик салони" очди. Сабина фаол жамоат арбоби.

Сабина имконияти чекланган одамларга енгилликлар яратиш учун бор имкониятини ишга солмоқда.

Орамизда шундай инсонлар бор, ҳаётда катта қийинчиликларга дуч келса-да, уларни енгиб ўтишади. Уларнинг иродасига ҳайкал қўйса арзийди. Фақат биз уларга эътибор бермаймиз. Ҳикоямиз ҳам реал воқеалар асосида ёзилган, исмлар фақат ўзгартирилган ҳолда берилган.

**Севара ҚУРБОНОВА,**
**СамДУ талабаси.**

## ШЕЪРИЯТ

### БИЗ СЕНДАН ЎТЯПМИЗ...

*Бағринг кимга тор-у, кимга кенг бўлди,*
*Ким ёққанга кир-у, кимдур енг бўлди,*
*Йиллларнинг шиддати милга тенг бўлди,*
*Биз сендан ўтяпмиз ўткинчи дунё.*

*Пешонамга битиб қўйилган тақдир:*
*Бир кун эмас, бир кун кетишим ҳақдир.*
*Пойгада орқада қолаётган ахир,*
*Биз сендан ўтяпмиз ўткинчи дунё.*

*Кимлар жуфт ҳолида, кимлар тоқ бўлиб,*
*Ота-ю онага билмай оқ бўлиб,*
*Савобга тўлмасдан қолган қоп бўлиб,*
*Биз сендан ўтяпмиз ўткинчи дунё.*

*Ўз вақтимизга бўлдик кушанда,*
*Тўрт мучамиз тугал эди ўшанда.*
*Қаддимиз букилиб, қўллар кишанда,*
*Биз сендан ўтяпмиз ўткинчи дунё.*

*Гуноҳдан тонмадик тирикчилик деб,*
*Нималар қилмадик йиғитчилик деб,*
*Ҳар бир қадамимиз қийинчилик деб,*
*Биз сендан ўтяпмиз ўткинчи дунё.*

*Бугун юз ўгириб дўст-у улфатдан,*
*Жаҳонга кўланка ташлаб кулфатдан,*
*Одамларни қириш бўлди одатдан,*
*Биз сендан ўтяпмиз ўткинчи дунё.*

*Бажардикми-йўқми вожиб, фарзимиз,*
*Худонинг олдида кўпдир қарзимиз.*
*Каримоқдан бери бўлиб баъзимиз,*
*Биз сендан ўтяпмиз ўткинчи дунё.*

*Қанча қилсалар-да дўстлар илтимос,*
*Эртамиз тугамай бўлдик бенамоз,*
*Қани яна фурсат бўлсайди бироз,*
*Биз сендан ўтяпмиз ўткинчи дунё.*

*Ким ўттизда кетар, кимлар юз, саксон...*
*Кетарда ҳамроҳи бўлсайди иймон!*
*Бирма-бир барчамиз бўлиб имтиҳон,*
*Биз сендан ўтяпмиз ўткинчи дунё.*

*Етганича яшаб берган умрни,*
*Олиб кетмаяпмиз терган бор-будни,*
*Ота ё болага илиб тобутни,*
*Биз сендан ўтяпмиз ўткинчи дунё.*

**Дилшод ҚАМБАРОВ,**
**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети талабаси.**

### ВАТАННИ МАДҲ ЭТАЙЛИК!

*Ватан нима — бизлар унган тупроғимиз,*
*У — дарахтдир, бизлар унинг япроғимиз.*
*Ёниб турар кўзлардаги қароғимиз,*
*Шу Ватанни биргаликда мадҳ этайлик!*

*Бу юрт кўрди, ахир қанча урушни ҳам,*
*Музаффари бўлди қанча юришни ҳам,*
*Кўп йиқилди, лекин билди туришни ҳам,*
*Шу Ватанни биргаликда мадҳ этайлик!*

*Кўрсин дунё, танитайлик юртимизни,*
*Санъат ила кўрсатайлик зимизни.*
*Тан олсинлар айтган ҳар бир сўзимизни,*
*Шу Ватанни биргаликда мадҳ этайлик!*

*Шу Ватанни биргаликда мадҳ этайлик!*

**Нозанин ТОҲИРОВА,**
**Жомбой туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси.**

### ЭНДИ ДУО ҚИЛАР КИМ МЕНИ ОНА?

Бугун рўмолингни танғидим бошга,
Оҳ, эркимни бердим кўздаги ёшга,
Дардларимни айтдим бағри йўқ тошга,
Энди дуо қилар ким мени, Она?

Энг сўнгги кунингга пулингдан харжлаб,
Қийналмасин дебсан бағримни тиғлаб,
Дийдорингга тўйдирмай кетдинг-а ташлаб,
Энди дуо қилар ким мени, Она?

Ишга отлансам гар юрак эди тинч,
Тонгдан дуоларинг бахш этиб севинч,
Қалбим пештоқида бўлиб эдинг синч,
Энди дуо қилар ким мени, Она?

Кимлардадир кунлар ўтмоқда елдай,
Кимнинг умрлари оқмоқда селдай,
Кимлардир юргандир довдираб мендай,
Энди дуо қилар ким мени, Она?

Ёстиғингда соч толанг кўрдим ногоҳон,
Битталаб тердим-у бўлдим заъфарон,
Қолдими бу дийдор маҳшарга томон,
Энди дуо қилар ким мени, Она?

**Мунира СУЛТОН,**
**«Дўрмон» ёзувчилар клуби аъзоси.**

### КЎЗ ЁШ ТЎКМАНГ!

*Сизсиз, осмонимнинг порлоқ юлдузи,*
*Кўллари дуодан тушмаган онам.*
*Қоронғу ҳаётим ёруғ кундузи,*
*Кулсангиз шодлигим бўлар бир олам.*

*Баъзида кўнглингиз оғритиб бехос,*
*Мен сабаб оқибди кўздан ёшингиз.*
*Узрлар сўрасам қанча бўлса оз,*
*Онажон, кечиринг шу бебошингиз.*

*Қўлимга қоғоз ва қалам оламан,*
*Ҳамда тўкадирман юрак туйғанин.*
*Гўёки меҳрингиз шеърга соламан,*
*Ифода этаман чексиз суйганим.*

*Тиғлагувчилар кўп қалбингиз ногоҳ,*
*Аммо сира кўз ёш тўкманг сиз онам.*
*Сизнинг кулгунгиз мен учун паноҳ,*
*Кулсангиз арийди дилимдаги ғам.*

**Малика ТОШБУЛАТОВА,**
**Паст Дарғом туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси.**

### ОНАЖОН

Меҳрингизга сўз йўқ асли,
Оқ ювиб, оқ тарадингиз.
Дуойингиз нажот менга,
Дардлар чекиб қарадингиз.

Бағрингизга бош қўйсам гар,
Армонларим чекинади.
Сизни ҳафа қилсам агар,
Ҳатто қуёш беркинади.

Онажоним — жаннатимсиз,
Ғамлар чексам куйинасиз.
Энг биринчи муаллимим,
Зафар қучсам суюнасиз.

**Зарнигор НУРАЛИЕВА,**
**Булунғур туманидаги 22-мактабнинг 5-синф ўқувчиси.**

# Хориждан гапирамиз

## Антиқа наушник яратилди

**Клипсч компанияси Т5 ИИ Труе Wирелесс АНС номли симсиз наушниклар тақдимотини ўтказди. Мазкур наушниклар сунъий интеллектга эга. Шу орқали фойдаланувчи телефон қўнғироқларини бошни қимирлатиш орқали қабул қила олади.**



Таъкидланишича, бунинг учун бошни уч марта пастга қимирлатиш лозим. Қўнғироққа рад жавоби бериладиган бўлса, бош турли томонларга қимирлатилади.

Фаол шовқин сўндириш режими ёқилган ҳолатда наушниклар бир марта қувватланиш орқали беш соат ишлай олади. Қувватлантириш ғилофи эса яна қўшимча 15 соатли ишлашни таъминлайди.

Фаол шовқин сўндириш режими ўчирилса, наушниклар етти соатгача автоном ишлаши мумкин. Шу билан бирга, қувватлантириш ғилофи наушникнинг яна 21 соат ишлашига ёрдам беради. Гарнитура 2021-йилнинг сентябрида 299 доллар қийматида сотувга чиқиши кутилмоқда.

## Латифа айтувчи қурилма

**Амазон компанияси "ақлли" уйларни янада ақллироқ қилиш тажрибасини давом эттирмоқда - ҳатто бу талаб этилмайдиган жойларда ҳам. Шу сабабли компания "ақлли" совун дозаторини тақдим этди.**



Амазонънинг мазкур қурилмаси ЛЕД-екран билан жиҳозланган бўлиб, 20 сония вақтни ҳисоблайди. ЖССТ коронавирус панемияси вақтида қўлни айнан шунча соният ювишни тавсия қилади.

Шунингдек, қурилма Wi-Фи орқали Амазонънинг "ақлли" колонкаларига улана олади. Шундан сўнг, ихтирочилар хоҳлаган мақсад амалга ошади: қўлни ювиш вақтида дозатор автоматик равишда қўшиқ ижро этади ва турли латифаларни айтади. "Акс ҳолда жуда зерикарли бўлиб қолади", - деб ҳисоблайди компаниядагилар.

Буларнинг барчаси ишлаши учун дозаторни уч ойда камида бир мартоба қувватлантириб туриш керак бўлади. "Ақлли" дозатор нархи 55 долларни ташкил этади.

## "Ақлбовар қилмас" кроссовкалар

**Америкалик комик, диджей ва бошловчи Кервин Фрост Адидас бренди билан коллаборатсия натижасида яратилган ноодатий кроссовкаларини намойиш этди. "Ақлбовар қилмас" оёқ кийимлар суратини у ўзининг Инстаграмъдаги саҳифасига жойлаштирган.**



Фрост классик оқ-кўк Форум Хигҳ моделини ечиладиган ёрқин сочлар, боғичнинг ҳар бир тарафини кўз, бурун ва катта тишлар билан безаган. Кроссовканинг тасқасига Кервин Фрост логотипи туширилган.

Хигҳснобиети нашрининг таъкидлашича, ушбу оёқ кийим ғалати кўриниши мумкин, аммо у Фростнинг ёрқин услубини яхши ифодалаб берган. Кервин Фрост х Адидас Оригиналс Форум Хигҳ кроссовкалари 250 долларидан сотилади.

## Чивиндан ҳимояловчи кийим

**Шимолий Каролина университети муҳандислари "античивин" кийимни яратишга муваффақ бўлди. Кийим матодан тикилган ва унинг таркибида инсектитсидлар мавжуд эмас.**



Мазкур кийим ҳозирда тестдан ўтказиб бўлинган. Ҳисоблаш моделининг кўрсатишича, кийим 100 фоиз ҳолатда чивин чақишининг олдини олади. "Биз толалар орасидаги тешиклар ўлчамини ва иплларнинг қалинлигини ҳисоблаб, шундан сўнг тегишли матони ятратдик", - дейди олимлар.

Бундан ташқари, олимлар ўз маҳсулотини инсектитсидлар ёрдамида ишлов берилган кийимлар билан таққослаб кўрган ва натижа кутилганидан яхшироқ бўлган. Эндиликда ихтирочилар ўзлари яратган "античивин" кийимни патентлашга тайёргарлик кўрмоқда.

Таъкидланишича, ушбу кийим бошқа ҳашаротлардан ҳимояланишда ҳам самара беради. Бугунги кунда муҳандислар ушбу мато асосида ички кийим, енги узун кўйлак ва бошқа кийимларни ҳам ятратган.

## Ниқобдан тикилган келин либоси

**Буюк Британияда тўй маросимларини ўтказиш бўйича чекловлар бекор қилинган "озодлик куни"да бутунлай оқ рангли ҳимоя ниқобларидан тайёрланган келиннинг ўзига хос либоси тақдим этилди.**



Либосда 1500 та қайта ишланган юз ниқоблари ишлатилган. Либосни дизайнер Том Силвервуд ятратди ва уни Жемайма Хамбро модели тақдим этди.

Либос атроф-муҳит ифлосланиши муаммосини намойиш этиши билан ҳам ўзига хосдир. Чунки оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, Буюк Британияда ҳар ҳафта 100 миллион марта ишлатилган ниқоб ташланади.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

**INTELLEKT**
Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар институти

**Муҳаррир: Ваҳобжон АВАЗОВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
**Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ(раис),Фазлиддин РЎЗИҚУЛОВ, Отабек ҒАЙБУЛЛАЕВ, Шахобиддин АШУРОВ, Эрали РАҲМАТОВ(аъзолар)**

***Манзил:*** *140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси 93-уй.* ***Телефон:*** *+99893 359-73-78*

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Самарқанд вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2020 йил 22 июлда 09-15 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «INTELLEKT» газетаси таҳририяти компьютерида саҳифаланди. «Шердор плюс полиграф» босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, 140100, Улуғ Турсунов кўчаси 82-уй. Қоғоз бичими: А-2. Адади: 1000 Буюртма: № ________

*Босишга топшириш вақти: соат 09.00 да. 2021 й. 16 август*
*Босишга топширилди: соат 08.00 да*

Баҳоси келишилган нархда

[f] - тижорат материал

*Навбатчи муҳаррир: А.АБДУРАИМОВ.*

*Саҳифаловчи: В. АВАЗОВ.*

**Нашр индекси 5588**

*Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди. Муаллиф нуқтаи назари билан таҳририят фикри тўғри келмаслиги мумкин.*